



## АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН ВА УНИНГ «ШАЖАРАЙИ ТУРК» АСАРИ МУҲИМ ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА

*профессор О.Бўриев, ўқитувчи Х.Очилова*  
*Қарши давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Абулғозий Баходирхоннинг “Шажарайи турк” асари муҳим тарихий-этнографик манба эканлиги баён этилган.

**Калим сўзлар:** Хоразм, Хива хонлиги, Шайбонийлар, Абулғозийхон, “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима”, муаррих, табиб, тарихий-этнографик манба, ижодкор.

**Аннотация:** В данной статье произведения Абулгази Бахадурхана “Родословное дерево тюрков” освещается в качестве историко-этнографического источника.

**Ключевые слова:** Хорезм, Хивинское ханство, Шайбаниды, Абулгазихан, “Родословное дерево тюрков”, “Родословие туркмен”, историк, лекарь, историко-этнографические источник, творец

**Abstract:** This article states that Abujazi Bahodir Khan’s Turkish Shajarayi is an important historical and ethnographic source.

**Key words:** Khorezm, Khanate of Khiva, Shaybanids, Abulgazikhan, “Family tree of the Turks”, “Genealogy of the Turkmens”, historian, healer, historical and ethnographic source, creator

Хоразм воҳаси азалдан математика, геометрия, астрономия, география, физика, минералогия, табобат, кимё, тарих, фалсафа, мантиқ, фикҳ, бадиият, санъат каби фанлар ютуқлари билан жаҳонга танилган ва бутун инсоният томонидан тан олинган. Хоразм Маъмун академияси (1000-1005-1017) Маъмун II ҳаётига суиқасд қилингандан кейин (1017) фаолияти тугатилган бўлсада, унинг анъаналари олимлар томонидан илм-фаннинг юқорида таъкидланган каби кўплаб соҳаларида ҳам давом эттирилган. Ана шундай етук алломалардан бири ўз даврининг таниқли намояндalarидан, у Хоразм маданияти тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган шайбонийлар сулоласидан Абулғозий Баходирхон (1603-1663) ҳисобланади.

Маъмун академияси анъаналарининг давомчиси деб аташ мумкин бўлган Хоразм маданияти тарихи, адабиёти билимдони ва намоёндалари бўлмиш Абулғозий Баходирхон мазкур илм даргоҳининг барча вакиллари каби ўз даврининг фарзанди ҳисобланиб, уни ўзи яшаган давр тарих саҳнасига кўтарганди. У парчаланиб кетаётган Хива хонлигини кучли давлат тарзида марказлаштириш йўлида ҳам қурол, ҳам қалам билан кураш олиб борган ҳукмдор бўлган. Абулғозийхон Шарқ халқлари тарихини, маданий меросини ўрганган, илм-фанга эътиқод қўйган, мамлакатда осойишталик ўрнатишга ҳаракат қилган ҳукмдор, олим, муаррих ва адиб эди.

У Хоразмда илм-фанны тараққий эттириш ва маданиятни раванқ топтириш мақсадида ўз саройида бинокорлар, табиблар, шоирлар, тарихнавислар, адиб, хаттот ва бошқа касб эгаларини тўплаган, шу билан бирга, ота-боболарининг эътиборсизликлари туфайли ёзилмай қолиб кетаётган хонлик тарихини яратишга қатъий киришган ва қобилятли хаттотларни бу ишга жалб этган.

Маърифатпарвар давлат арбоби ва олимнинг ўз даври учун бундай эзгу ва тўғри йўл тутиши маълум даражада Хоразмнинг маданият тарихида тутган ўрни билан боғлиқ. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бир вақтлар Хоразм буюк алломалар – Мусо Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Шаҳобиддин Хевакий, Ҳайдар Хоразмий сингари математик, астроном, муаррих, шоир, комусий олимлари билан донг чиқарган эди.

Хоразмнинг ўтмиш маданияти Абулғозийхон сиймосида ҳам ўзига нисбатан ўчмас ихлос ва иштиёқ уйғотган эди. Шу боисдан ҳам Абулғозийхон Хоразмни ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам маданий томондан юқорига кўтаришга интиланган. Ҳукмдор бўлиб бекликлар ўртасидаги ўзаро қирғин урушларга хотима берувчи тадбирлар ўтказиш билан бирга ижодкор сифатида “Шажарайи турк” (“Шажарайи турк ва мўғул” ҳам дейилади), “Шажарайи тарокима” ва “Манофёъ ул-инсон” (“Инсонга фойдали нарсалар”) каби тарихий-бадий хамда табибликка оид нодир китоблар ёзган.





Абулғозий Баҳодирхон “олий насаб ва тожу тахт соҳиби бўлган”. У қарийб йигирма (1644-1664) йил Хоразмни идора қилган, лекин тарихда ҳукмдор сифатидагина эмас, балки йирик олим сифатида ҳам ном қолдирган. Ҳақиқатан, Абулғозийхон кенг ва чуқур маълумотли инсон эди. “Бу фақирга, - деб ёзган эди унинг ўзи, - Худойи таоло иноят қилиб, кўп нимарса берган турур. Хусусан, уч хунар берган турур. Аввалгиси похийгарликнинг қонуни ва йўсуниким, нечук отланмоқ ва юрмак ва ёвға ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ. Дўстга, душманга нечук сўзлашмак. Иккинчи, маснавийёт ва қасоид ва ғазалиёт ва муқаттаъот ва рубоийёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий, форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳлидин то бу дамғача Арабистонда, Эрон, Турон ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари, умрлари ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик”.

Абулғозийхон Хива хони Араб Муҳаммадхоннинг ўғлидир. Абулғозийхон ўз асарларида таржимаи ҳолига оид анча маълумотларни келтириб, таваллуд санасини қуйидагича баён этган: «Урганч вилоятида тарих ҳижрий минг тақи ўн тўртда (1605-1606) асад буржи ва рабиъ ал-аввал ойининг ўн бешида душанба куни офтоб бирлан баробар тулуъ қилибмиз».

У ота ва бобоси ҳақида гапирар экан, бундай деб ёзган: „Отамизнинг оти Араб Муҳаммадхон, анинг отаси Оқатойхон, анинг отаси Амнакхон, анинг отаси Ёдгорхон... Онасининг исми Меҳрибону хоним бўлиб, Жонғози султоннинг қизи бўлган“.

У 6 ёшга кирганда онаси вафот этган, 16 ёшгача Урганчда отаси қўлида тарбияланган. “Андан сўнг отамиз Кадхудой қилди. Тақи Урганчнинг ярмини улуғ оқамиз Ҳабаш султонга ва ярмини бизга берди. Бир йилдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс отли акаларимиз бирлан орамизда низў бўлди. Ул сабабдин тура билмай Хевақға отамиз қатиға келдук. Улар Катни инъом қилдилар.

“Араб Муҳаммадхоннинг етти ўғли бор эди: аввал Асфандиёрхон, иккинчи Ҳабаш султон, учинчи Элбарс султон, тўртинчи Абулғозийхон, бешинчи Шариф Муҳаммад султон, олтинчи Хоразмшоҳ султон, еттинчи Авғон султон Асфандиёрхоннинг онаси ўз жамоатимиздан эрди. Ҳабаш султон бирлан Элбарс султоннинг онаси найман қизи, иккиси бир онадан эрди. Онаминг оти Меҳрибону хоним. Отаси Жонғози султон...”.

Араб Муҳаммадхон, Абулғозийхон, Асфандиёр ва Шариф Муҳаммадлар билан Ҳабаш ва Элбарс ўртасида низо кучайиб, икки орада уруш содир бўлган. Бу урушда енгилган Араб Муҳаммадхон қўлга тушган ва кўзи кўр қилинган. Минг машаққатлар билан сувдан кечиб ўтган Абулғозийхон аввало Катга ва у ердан Имомқулихон саройига келган. Ҳабаш ва Элбарсга қарши кураш бошлаган Асфандиёр Абулғозийхонни ёрдамга чақирган, аммо Имомқулихон унинг боришига рухсат бермаган. У Имомқулихон саройида икки йил турган.

Ҳабаш ва Элбарс устидан ғалаба қилган Асфандиёрхон Имомқулихон саройига ўз инилари Абулғозийхон ва Шариф Муҳаммадни йўқлатиб одам юборган. Шундан кейингина Имомқулихон уларга Хоразмга қайтишга рухсат берган. Абулғозийхон Хивага қайтган ва Асфандиёр уни Урганчга ҳоким қилиб тайинлаган. Энди Асфандиёрхон билан Абулғозийхон ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган.

Урганчда туришнинг иложини топа олмаган Абулғозийхон Туркистон ва Тошкентда бўлган кейинчалик Хивага қайтган. Асфандиёрхон Абулғозийхонни Эрон шоҳи Сафое хузурига жўнатган. Шундай қилиб, Абулғозийхон 10 йил Исфохон шаҳрида турган ва харажат учун йилига 10.000 танга ажратилган. Бир қанча тадбирлар ишлатиб, Абулғозийхон Бастом, Маҳин орқали Манқишлоққа ўтган. У ерда бир йил туриб, 1642-1643 йили Урганчга келган. У Хоразмга қайтганидан олти ойдан сўнг Асфандиёрхон вафот этган.

1644 йили Абулғозийхон Хива тахтини эгаллаган ва деярли йигирма йил давомида Хивада хон бўлиб турган. Унинг хонлик даврида ўзаро урушлар нисбатан тинчиган, ташқи мамлакатлар билан алоқалар яхшиланган, ободончилик, ички вазиятни тузатишга эътибор кучайган, ҳокимият мустаҳкамланган.

Академик К. Шониёзовнинг ёзишича, Хива хони Абулғозийхон (1643-1663) 1646 йилда ислоҳот ўтказиб, бир-бирлари билан келиша олмаган, Амударёнинг қуйи оқимларида





яшовчи кўчманчи ўзбек қабилаларини ҳар иккаласини бир жамоага биралаштириб, тўртта жуфт гуруҳ (тўп) ташкил қилган: уйғур-найман, қиёт-қўнғирот, нукус-найман, қиёт-қипчоқ. Ҳар бир бирлашма (тўп)га экин ерларини, ариқларни ва яйловларни тақсимлаб берган. Тўрт эркин бирлашма таркибига яна 14 та кичик этник гуруҳларни ҳам қўшиб қўйиб, у шу тадбир билан кўчманчи қабилалар ўртасида тартиб ўрнатган.

У 1663 йили ҳокимиятни ўғли Анушахонга (1663-1687) топширган ва 1664 йили вафот этган. Абулғозийхон ўзи ҳақида қуйидаги қизиқ маълумотларни ёзиб қолдирган: “Бу фақирга Худойи таоло иноят қилиб, қўб намарса берган турур. Хусусан уч ҳунар берган турур. Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва ёсиниким, нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвға ясоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ. Иккинчи, маснавиёт ва қасойид ва ғазалиёт ва муқаттаот ва рубоийёт ва барча ашъорни фаҳхламаклик, арабий, форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳлидин то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик.

Абулғозийхон шеърятни ҳам яхши билиш билан бир қаторда, араб, форс ва туркий тилларни ҳам пухта ўрганган. Тарих илмидан яхши хабардор бўлиб ўзининг тарихий асарларини тасниф этган.

Абулғозийхон юқорида зикр этилган сиёсий фаолияти билан бир қаторда замонасининг атоқли муаррихи ва олими сифатида «Шажарайи турк» номли машҳур асарини ёзган.

У ўз асарини ёзишда тарафкашлик қилмай, воқеаларни қандай содир бўлган бўлса, шундай келтирганлигини уқтириб ўтган. У бундай деб ёзади: «Эмди кўнглингга келмасунким, фақир тараф тутиб ёлғон айтган бўлғайман ва ё ўзимни ғалат таъриф этган бўлғайман».

Абулғозийхон «Шажарайи турк» номли асарини қайси вақтда ёзилганлигини ва бобларини кўрсатиб ўтган. «Тарих хижрий минг тақи етмиш тўрт (1663–1664) эрдиким, биз (Абулғозийхон) бу китобни ибтидо қилдуқ ва тақи «Шажарайи турк» теб от қўйдик. Тақи тўққиз боб қилдуқ».

Бу асардан ҳозир Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлари хазинасида тўрт нусха сақланиб, улардан энг қадимийси 851-рақамли нусха сифатида XVII аср охири ёки XVIII аср бошларида кўчирилган. Шунингдек, Абулғозийхоннинг «Шажарайи тароқима» ва «Манофиъул-инсон» (“Инсонга фойдали нарсалар”) асарларининг қўлёзма нусхалари ҳам мазкур институт қўлёзма асарлари хазинасида мавжуд.

Кўринадики, Абулғозий Баҳодирхон иккита тарихий асар ёзган. Биринчиси “Шажарайи тароқима” (1658-1661 йиллар орасида ёзилган деб тахмин қилинади) деб аталиб, Туркистоннинг ўрта асрлардаги тарихи, хусусан, туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида муҳим манба ҳисобланади. Унинг иккинчи асари “Шажарайи турк” номи билан машҳур бўлиб, асарнинг асосий қисми 1663-1664 йилларда ёзилган ва унда Хоразмнинг XVI-XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий вазият тарихи баён этилган.

Мазкур асар муқаддима ва 9 бобдан иборат. Муқаддимада, асосан, асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида гап боради. I боб Одам Атодан то Мўғулхонгача, II бобда Мўғуллардан Чингизхонгача, III бобда Чингизхоннинг туғилишидан то вафотигача, IV бобда Угадайқоон ва унинг Мўғулистонда ҳукмронлик қилган авлоди, V бобда Чингизхон ва унинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган ворислари, VI бобда Элхонийлар, VII бобда Жўжихон ва унинг Дашти Қипчоқда подшолик қилган авлоди, VIII бобда Шайбонийхон ва унинг Мовароуннаҳр, Қозоғистон, Сибирь ва Қримда ҳукмронлик қилган фарзандлари ва ниҳоят IX бобда Шайбонийхоннинг 1511 йилдан Хоразмда ҳукмронлик қилган авлоди билан боғлиқ воқеалар баён қилинган.

Асарнинг I-VIII боблари Рашидиддин, Шарафуддин Али Яздий асарлари, шунингдек, 18 та тарихий китоблар асосида ёзилган. Унинг фақат IX боби асл нусха ҳисобланади ва унда Хоразмнинг 1512-1663 йиллардаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ва атрофлича баён этилган.





Шунингдек, асарда ўша даврда обод бўлган Хоразм шаҳарлари (Урганч, Вазир, Тирсак, Янги Шаҳар, Булдумсоз, Бадод, Кат, Дурун, Қумкент, Миздахкан, Доруғон ота, Бақирғон, Хол Минора, Исм Маҳмуд ота, Илик), Амударё ва унинг ўзанини ўзгариши, Хиваликларнинг оғир аҳволи, XVI-XVII асрларда Хива ва Бухоро ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди.

“Шажарайи турк”нинг ёзилиш сабаблари ҳақида муаллифнинг ўзи бундай ёзган: “Аммо бизнинг ота-акаларимиз бепарволик ва Хоразм халқининг беуқувлиқи, бу икки сабабдан, бизнинг жамоатимизнинг Абдуллоҳхоннинг оталари билан бизнинг оталаримиз айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилади, деб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадик. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдук”.

Академик Б.Аҳмедовнинг ёзишича, Абулғозий Баҳодирхон ўз асарларини ёзиш жараёнида 18 та тарихий асарлардан фойдаланганлигини таъкидлаган. Улар орасида Рашидиддиннинг “Жомеъул-таворих”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Муқаддимаи Зафарнома” асарлари мавжуд эди. Булардан ташқари, муаллиф асарига ўзи кўрган-билган воқеалар, халқ ичида тарқалган достон ва ривоятларни ҳам киритган.

“Шажарайи турк ва мўғул” тарихий, этнографик, ўлканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид эътиборга молик маълумотларга бой асар ҳисобланиб, тарихий йилномачилик тарзида ёзилган бўлса ҳам, унда бадий насрга хос хусусиятлар, табиат лавҳалари, тасвири, турли мақоллар ва маталлар мавжуд.

Абулғозийхон мавжуд асарининг 7, 8 ва 9-бобларининг бир қисмини (1644 йилгача воқеалар тарихини) ёзиб улгурган. 1-6-боблар ва 9-бобнинг давоми (1644-1664 йиллар воқеалари) унинг ўғли Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн Мулла Муҳаммад Урганжий томонидан ёзилган. Бу ҳақда асарда мана бундай қайд ёзилган: “Маълум бўлсинки, Абулғозийхон жаннатмакон бу китобни тасниф қилиб, ярмига етканда хаста бўлдилар. Ўғилларига васият қилиб турурларким, бу китобнинг отамом қўйманг, итмом иғасаъй қилинг. Ул сабабдин Абдулмузаффар валмансур Анушахон ибн Абулғозийхон марҳум ва мағфурий, бу бандайи бебизоат ва каминаи беиститоат Маҳмудий ибн Мулла Муҳаммадзамон Урганжий ўлгайман, “бу китобни итмомига еткур”, деб ҳукм қилдилар. Табиийки, асарнинг асосий ва энг қимматли қисми Абулғозий Баҳодурхоннинг қаламига мансуб дейиш мумкин.

“Шажарайи турк”нинг тарихий, бадий, грамматик хусусиятларини ўрганишга бағишланган бир қанча тадқиқотлар яратилди тилшунос ҳамда адабиётшунос, тарихчи олимлар ўзларининг илмий асарларида “Шажарайи турк” ҳақида муҳим фикр-мулоҳазаларини билдирганлар.

Абулғозий ўзининг ижоди ва фаолияти, жумладан “Шажарайи турк” асари билан Маъмур академияси вакиллари анъаналарини изчил давом эттирганлигини намоён қилган ва Хоразм тарихчилиқ мактабига асос солган. Кейинги хоразмлик ижодкорлар, айниқса, Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар Абулғозийхоннинг илғор анъаналарини ривожлантириб, кўплаб тарихий асарлар яратдилар. Ўзбек мумтоз адабиётида Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Муниснинг “Фирдавсул-иқбол”, Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарлари Абулғозий бошлаган анъана таъсири остида ёзилган йирик тарихий манбалар ҳисобланади.

Кўринадики, Абулғозийхоннинг Хоразм тарихи бўйича ўзбек тилида асарлар ёзиши анъанаси Хивада кейинги даврларда атоқли тарихнавис олимлар, айтилиши вақтда ажойиб шоирлар Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийлар томонидан давом эттирилган.

Абулғозийхон «Шажарайи турк» номли катта илмий аҳамиятга эга бўлган тарихий асарини яратган ўзбек тарихнавис олими ҳамда, узоқ вақт Хива хонлигини бошқарган йирик давлат арбобидир. Абулғозийхон адабиётдан ҳам яқин хабардор бўлган. Юқорида таъкидланганидек, у тиб илмини яхши ўрганган бўлиб, бу борада «Манофиъул-инсон» (“Инсонга фойдали парсалар”) номли маҳсус тиббий асар ҳам ёзган.

Абулғозийхоннинг маданий-илмий меросини тадқиқ этиш анча олдин бошланиб,





унинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар қомуслар, журналлар ва тўпламларда келтирилган. «Шажарайи турк» асарининг матни 1824 йили Қозон шаҳрида академик Френ томонидан нашр этилган. Сўнгра бу асарнинг матни (1871) ва француз тилига қилинган таржимаси 1874 йили Санкт-Петербургда профессор П. И. Демезон томонидан босиб чиқарилган. Кейинчалик Г. С. Саблуков бу асарни рус тилига таржима қилиб, Қозонда чиқарган. Абулғозийхоннинг туркманлар тарихига оид «Шажарайи тарокима» асарининг матни ва таржимаси академик А. Н. Кононов томонидан (Москва, Ленинград) 1958 йили чоп қилинган.

Абулғозийхоннинг «Шажарайи турк» асари тезда илмий жамоатчилик эътиборини қозониб, XVIII асрда бир қанча Европа тилларига: немис, француз (1726), рус (1770) ва инглиз (1780) тилларига таржима қилинган. XIX асрда бу асар немис (Г. Я. Кёр), рус (Я. О. Ярцев, Г. С. Саблуков), француз (П.И. Демезон), турк (Аҳмад Вефик Пошо) тилларида чоп қилинди. Асар 1897-1913 йилларда яна турк (таржимон Ризо Нур) ва 1913 йили форс тилига ўтирилган. Асарнинг Г.С.Саблуков (1906) ва П.И. Демезон (1871-1874) амалга оширган нашрлари мукамал ва зўр илмий аҳамиятга эгадир.

«Шажарайи турк» асарининг матни ҳозирги жорий алифбода 1992 йили Тошкентда академик Б. Аҳмедов сўзбошиси билан босилиб чиққан эди. Шундай қилиб, Абулғозийхон қатор тарихий асарлар яратган ўз даврининг етук тарихнавис олими, давлат арбоби ва лашкарбошиси эди. Унинг турли маълумотларга бой тарихий асарлари XVI-XVII асрлар Хоразм тарихини, умуман айтганда, туркий халқлар тарихи ва этнографиясини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Хуллас, Абулғозий Баҳодирхон Хива хонлигида вужудга келган ана шу тарихнавислик мактабига асос солган олим бўлиб, унинг асарлари ҳозиргача ўз аҳамиятини асло йўқотмаган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзМЭ, 1-ж, -Т.: “ЎзМЭ ДИН”, 2000, Б.57-58.
2. Муниров Қ. Абулғозийхон –Маънавият юлдузлари. –Т.: “Халқ мероси”, 2001. Б. 293.
3. Шу асар. Б.291
4. Шу асар. Б.292
5. Шу жойда.
6. Шу жойда.
7. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: “Шарқ”, 2001. Б.413
8. Муниров Қ. Кўрсатилган асар. Б.293
9. Шу жойда.
10. Шу жойда.
11. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Қадимги ва ўрта асрлар. 2-нашр. –Т.: “Ўқитувчи”, 2001. Б.194
12. Кононов А.Н. Родословные туркмен. Соя Абулгазихана Хивинского. –М. –Л., Изд-ва Ан СССР. 1958. -193 с; Абражиев А.И. Абулғози Баҳодирхон “Шажарайи турк” асарининг адабий аҳамияти. –Т., 1970; Иванов И.И. Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асари. –Т., 1969; Худойназаров Ҳ. “Шажарайи турк” ва унинг ўрганилиши. –Т., 1993; Аллаева Н. The Chajara-yi Turk as an important Loutce on the History of the Relations between Khiva and its Neishlors. – Jurnal of Rersianate Studies. Brill, 2014. №7. P,55-87.
13. Абулгази Баҳодурхан. Родословное дерево тюрков Абулгази Хивинского хана. Пер. и предисл. Г.С. Соблукова –ИОАИ ЭКУ, 1905-1906. т. XXI. Вып XXII №6. Отв. изд. Казань.
14. Аҳмедов Б. Кўрсатилган асар. Б.194-195

